

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



”Норин туман Ободонлаштириш
бошқармаси ” рахбари

M. Mirzaxmedova
М.Мирзахмедова

» _____ 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

**« НОРИН ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ»**

Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини
асфальтлаштириш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини асфальтлаштириш бўйича ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 1125234531 (Бир миллиард бир юз йигирма беш миллион икки юз ўттиз тўрт минг беш юз ўттиз бир) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Норин тумани ободонлаштириш бошқармаси” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққулобод шаҳри
Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин тумани ободонлаштириш бошқармаси” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатлар ва хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси;
- Машина ва механизмлар рўйхати;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар;
- Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи;
- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома;

-Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.






3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини асфальтлаштириш бўйича ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини асфальтлаштириш бўйича
2	Буюртмачи	Норин тумани ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Норин тумани Халқ депутатларининг VI-44-118-6-83-К/22 қарорига асосан "Очиқ бюджет" дастури лойиҳаси асосида
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани Хақулобод шаҳар
5	Қатнашувчи учун талаблар	Иштирокчилар танлов ҳужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қўйидаги талабдорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди: -қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда инфодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини асфальтлаштириш бўйича бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг шартномада белгиланган нархлар ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан йил давоми учун тахминан 1125234531 (Бир миллиард бир юз йигирма беш миллион икки юз ўттиз тўрт минг беш юз ўттиз бир) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида Норин тумани Учтепа МФЙ Обод кўчасини асфальтлаштириш бўйича 2314 метр белгиланган вазибаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида бажаради имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Норин тумани ободонлаштириш бошқармасининг "Очиқ бюджет" маблағлари ҳисобидан.

Комиссия аъзолари		Р.Раҳимжонов
Комиссия аъзолари		О.Хайитбоев
Комиссия аъзолари		Н.Назаров
Комиссия аъзолари		О.Ҳамидов
Комиссия аъзолари		Г.Мамаева